

## **“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг бошқарма, корхона ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЯТИ**

### **1 боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур услубият “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (кейинги ўринларда – жамият), бошқарма, корхона ва ташкилотларида юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуйидагилар жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиш.

3. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидаги омилларнинг ишлаб чиқилишини назарда тутаяди:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларни ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастур.

4. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамият ички ҳужжатларининг ўзгариши.

5. Ушбу услубиятда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қолдиқ хавф-хатар** – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чоралар қабул қилинганидан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсат ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш

бўйича чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

**коррупциявий хавф-хатар** – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – жамият томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

**коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси** – жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва жамият функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**тартиб-таомил** – жамият функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

**функция** – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган жамиятнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

**ўзига хос хавф-хатар** – жамият фаолияти ва амалга ошириладиган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни,

амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

**ҳудудий ёки таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси** – Жамиятнинг бошқарма, корхона ва ташкилотларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

6. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Жамият бошқарув раисининг топшириғи асосида амалга оширилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек жамиятнинг бошқарма, корхона ва ташкилотларига мазкур услубиятга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

**жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади;**

**жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;**

**жамиятга, бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;**

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида бошқарма, корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади;

жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу услубиятда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси зарур ҳолларда бошқарма, корхона ва ташкилот раҳбарларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

## **2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш**

9. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида жамият бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлардан тепага (жамият даражасигача), мазкур бобнинг 12-21 -бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

12. Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси ушбу услубиятнинг 1-шаклида келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича бошқарма, корхона ва ташкилотларга кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Жамиятнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси жамият бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади.

14. Бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бунда, Бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси раҳбар томонидан тасдиқланишидан олдин Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига кўриб чиқиш учун киритилади.

17. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, жамиятнинг бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси жамият Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси тақдимига асосан бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

20. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу услубиятнинг 2-шаклига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

21. Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимига асосан жамият бошқарув раиси ва бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

22. Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан ўн иш куни ичида бошқарма, корхона ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича **дастур** ушбу услубиятнинг 3-шаклига мувофиқ ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Бунда, бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси билан келишилгандан сўнг бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

23. Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда жамият бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

### **3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши**

24. Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида жамият бошқаруви раисининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиятнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотлари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш

мақсадида ушбу услубиятга илова қилинган 4-шаклга мос равишда Сўровнома юборади.

27. Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, умулаштиради ва таҳлил қилади.

#### **4-боб. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби**

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

жамият функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва жамиятнинг ички ҳужжатлари (мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид муурожаатлар;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлари фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Жамиятнинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

30. Ҳар бир функция қуйидаги тартибда баҳоланади:

коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос паст хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасининг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодиса амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур услубиятнинг 5-шакли 5.1-жадвалдаги мезонлар) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур услубиятнинг 5-шакли 5.2-жадвалидаги мезонлар)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур услубиятнинг 5-шаклидаги 5.1 расм).

### **5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари**

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

34. Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам иритилади.

35. Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларидаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси томонидан амалга оширилади.

### **6 боб. Якуний қоидалар**

36. Зарурат бўлганида, Жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва

коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси томонидан Жамият бошқарув раисига таклифлар киритилади.